

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 20-noyabr • № 47 (4030)

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ ДУНЁ МАДАНИЯТИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР

Германиянинг Потсдам шаҳри Махсус олий ўқув юртида ўзбекистонлик реставраторлар билан ҳамкорликда ушбу таълим олиш маскани мутахассислари томонидан амалга оширилган Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш лойиҳасига бағишланган кўргазмининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазири, Потсдам шаҳри жамоатчилиги, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, архитекторлар, санъатшунослар, шунингдек, Махсус олий ўқув юрти профессорлар-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлари иштирок этишди.

Кўргазмада Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги Тиллакори мадрасаси, "Шодимулк ога", "Ишратхона" мақбараси ва Абдулазизхон мадрасаси каби тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш жараёни акс эттирилган фотосуратлар намойиш қилинди.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан Потсдам Махсус олий ўқув юрти ректори, профессор И.Фиелхбернинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўлида жойлашган тарихий шаҳарлари ўзининг бетакор меъморий обидалари билан бутун дунёга машҳурдир. У Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу тарихий ёдгорликларини авайлаб-асраш ва муҳофаза қилиш

борасидаги саъй-ҳаракатларини, шунингдек, мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни юқори баҳолади.

И.Фиелхбер тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг бевосита қўмағида Потсдам Махсус ўқув юрти мутахассислари томонидан Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда муваффақиятли амалга оширилган Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлашга оид лойиҳа тўғрисида батафсил маълумот берди. Немис олимининг айтишича, ушбу лойиҳаларнинг амалга ошириш Бутунжаҳон маданий меросининг бебаҳо тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасидаги Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ректор, шунингдек, мазкур соҳада икки давлат Олий ўқув юрти ўртасидаги ҳамкорликка ҳам батафсил тўхтади.

ГФР Ташқи ишлари вазирлиги

вакили Ф.Егер ҳам Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, хусусан, 2004 йилда илк бор Самарқандга келган вақтида шаҳарнинг унда унутилмас таассуротлар қолдирган меъморий обидалари ҳақида батафсил хикоя қилди.

У Маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича 1996-2009 йилларга мўлжалланган дастур доирасида ГФР Ташқи ишлари вазирлиги Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун 1 миллион евро маблағ ажратганини қайд этиб, Ўзбекистон — Германия қўша лойиҳаси Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида муваффақиятли амалга оширилганидан мамнун эканини айтди. Ф.Егер маданий бойликларни сақлаш бўйича амалга оширилган қўша лойиҳалар Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг мустақамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлишига умид билдирди.

Мазкур лойиҳаларнинг раҳбари, профессор Мартина Абрининг айтишича, кўргазмада намойиш этилган тарихий обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Унинг айтишича, архитектура, тарих ва ёдгорликларни таъмирлаш усуллари борасида ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган, мутахассислар лойиҳани амалга ошириш жараёнида катта жонбозлик



кўрсатишган.

— Бугун Ўзбекистонлик мутахассислар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳаларни тақдим этаётганимдан хурсандман, — деди М.Абри хоним. — Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз дунё маданиятининг бир қисми бўлган Самарқанддаги "Шохи Зинда" меъморий мажмуасида жойлашган "Шодимулк ога", "Ишратхона" каби бетакор тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш ва сақлашга йўналтирилган. Яна бир муҳим лойиҳа объекти — таъмирлаш жараёни бугунги кунда ҳам давом этаётган "Тиллакори" мадрасасидир. Бу ерда немис ва ўзбек мутахассислари ёдгорлик пойdevорини мустақамлаш устида иш олиб боришмоқда. Шунингдек, Бухородаги "Абдулазизхон" мадрасасининг кириш қисмини таъмирлаш борасида ҳам ишлар олиб боришмоқда.

— Мен Ўзбекистонда икки марта бўлганман, — деди профессор Штефан Лау. — Илк бор 2007 йилда ёзги курсларда иштирок этдим ва ушбу курслар доирасида янги лойиҳа ишлаб чиқдик ҳамда уни 2008 йилдан буён амалга ошириб келмоқдамиз. Мазкур лойиҳага мувофиқ, Ўзбекистон ва Германия мутахассислари Бухородаги "Абдулазизхон" ёдгорлигини консервациялаш ҳамда сақлаш устида иш олиб бормоқдалар.

ГФР Ташқи ишлар вазирлиги раҳнамолигида ташкил этилган кўргазма ўз ишени жорий йилнинг 8 декабрига қадар давом эттиради.

Шухрат УМИРОВ "Жаҳон" АА Берлин



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 27 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 27 ноябр дам олиш кунини деб белгиланган ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жағрамалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 19 ноябр.

БОЛА НИГОҲИДАГИ ОРАСТАЛИК

Яқинда атроф муҳит муҳофазасига бағишланган бир илмий-амалий анжуманда иштирок этдим. Анжуман "Чинқиллар болалар нигоҳида", деб номланган кўргазма ва шу мавзудаги фотосуратлар танлови билан очилди. Муррак болакайлар нигоҳи билан идрок этилган ва биз ҳар кунни кўравериб кўзимиз ўрганиб қолган оддий воқеаларни эълон қилишга хос муносабати қалбимизни ҳайратларга чулғайди. Бир қизалоқ "Бу ерга тўқнаб ташламанг. Жарима йигирма минг сўм", деб ёзиб қўйилган жойга, ўзининг беғубор идрокига танииб, мана бундай ёзувини маъқул кўрибди: "Шу жойга ким чиқинди ташласа, ўзи ҳам тўқнаб қолар бўлади".

Бола қалбидан чиққан бу дэват халқимизнинг "Оқар суғата тупурма — гуноҳа ботасан" ёхуд "Суприндини кулга ташлаган қур бўлади" каби ўғитларини ёдга солиди. Шу боис, атроф-муҳит муҳофазасини ўзича идрок этаётган қизалоқ чизган сувартадаги ўзига хос таъсирчан оғоҳа ишонмоқ керак. Агар биз катта шаҳарлардаги кўп қаватли уйлар, чиройли кўчалар орасталигига гўбур қўнамсин, сув ҳавзалари атрофидаги гўзал манзилларнинг асл ҳақиқатини бузмайлик десак, ўзимиз истиқомат қиладиган маҳалла ёки кўчага, она-табнатга, бутун борлиққа болакайларнинг мусаффо нигоҳлари билан боқмоғимиз зарур бўлади.

Хозирги пайтда тамалдун кашфиётларидан бири бўлган елим қочқола идишларга шу қадар ўрганиб кетдикки, бозор ёки дўконлардан қилган харидимизни, албатта, елим қочқолага солиб чиқамиз. Ҳатто бозор ёки супермаркетларга бемалол калтасумкамимиз ҳам бораверамиз. Чунки олган нарсаларимизни сотувчи чиройли қилиб, елим қочқолачларга солиб беришига ўрганиб қолганмиз. Биз учун анча қулай ҳисобланган бу аниқлик илгор хоржик мамлакатларидан алақачон эканлига айлиниб улгурган. Нетаки, пластик идиш ва елим қочқолачар бугунги кунда катта шаҳарларнинг тўқнаб қолганлигини тўқнаб ташлаётган зарарли чинқини сифатида урғин қола бошлаган. Масалан, ҳозир Франциядаги бирорта бозор ёки савло дўконидан бундай ташқи воситаларидан умуман фойдаланилмайди. Чунки пластик идиш ва қочқолачар ишлашга қулай бўлган билан саломатлик учун зарари бисёр экан. Бундай идишлар алоҳида тўпланиб, махсус технология асосида йўқ қилинмаса, очиқ ҳавода турли жойларда тўпланиб, атроф муҳит мусаффолигини учун катта хавф туғдиради.

Анжуманда иштирок этган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг лойиҳалар бўйича катта маслаҳатчи олимоналик Каролина Миллов хоним бу борадаги ўз тажрибалари ҳақида сўзлаётган, шундай бир ҳолатни таъкир ўтди. У ўз ватанида дўконларга борганда зигир толали матодан тикилган кичик қочқа ҳам доим ёнида бўларкан.

Давоми иккинчи саҳифада.

Она сайёра — қўриқхона

Этган маҳалла ёки кўчага, она-табнатга, бутун борлиққа болакайларнинг мусаффо нигоҳлари билан боқмоғимиз зарур бўлади.

Хозирги пайтда тамалдун кашфиётларидан бири бўлган елим қочқола идишларга шу қадар ўрганиб кетдикки, бозор ёки дўконлардан қилган харидимизни, албатта, елим қочқолага солиб чиқамиз.

Ҳатто бозор ёки супермаркетларга бемалол калтасумкамимиз ҳам бораверамиз.

Чунки олган нарсаларимизни сотувчи чиройли қилиб, елим қочқолачларга солиб беришига ўрганиб қолганмиз.

Биз учун анча қулай ҳисобланган бу аниқлик илгор хоржик мамлакатларидан алақачон эканлига айлиниб улгурган.

Нетаки, пластик идиш ва елим қочқолачар бугунги кунда катта шаҳарларнинг тўқнаб қолганлигини тўқнаб ташлаётган зарарли чинқини сифатида урғин қола бошлаган.

Масалан, ҳозир Франциядаги бирорта бозор ёки савло дўконидан бундай ташқи воситаларидан умуман фойдаланилмайди.

Чунки пластик идиш ва қочқолачар ишлашга қулай бўлган билан саломатлик учун зарари бисёр экан.

"ЯНГИ АВЛОД"НИНГ КАШФИЁТЛАРИ

Хайларга бой болалар дунёси ҳеч бир қоллига тушмаган ўзига хосликни бера олиш қудратига эга. Содда ва беғубор қалбларнинг адабийёт, санъат ва маданият билан ошуфталиги улар дунёсини мўъжизавий эрталар оламига етаклаши, ўзлари тўқнаган, кашф этган эрталарнинг қаҳрамонларига айлантириши табиий. Кунини кеча мухташам "Истиқлол" санъат саройининг кенг саҳнасида ўзларининг эрталари дунёлари қаҳрамонларига айланган беғубор қалбларни кўрганимда, кўнглимдан шу мулоҳазалар ўтди.



лажаги учун янги имкониятлар яратиш ва рабатлантиришдан иборат. Бу йилги ташаббуснинг муҳим томони шундаки, шу вақтга қадар маълум салоҳият ва кўникмага эга бўлган, аммо катта саҳнада ўзини намойиш этиш имкони бўлмаган болаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Утган олти йил давомида 50 мингдан ортиқ ўғил-қизлар ушбу лойиҳа иштирокчиларига айланди. Ғолибликни қўлга киритган икки минг нафар энг сара иштирокчиларнинг келгуси фаолиятларида ҳам жамғарманинг муносиб ҳиссаси бор. Ғолибларда иктисослашган мусиқа билим юртларига имтиёзли ўқишга кириш учун имконият пайдо бўлади. Жамғарма қўмағида асослаб чиқилган ушбу йиллик лойиҳа асосида иш бошлаган Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги болалар ижодиёти марказларида бепул таҳсил олаётган болалар турли йўналишларда ўз билимларини мукамаллаштиришга интиломоқда.

Шуниси қувонарлики, "Янги авлод" лауреатлари бир қатор хоржий мамлакатларда ўтказилган кўрик-танловларда ҳам муносиб ўринларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Жумладан, улар

Шунингдек, таниқли футболчи Самуэл Это'О фестивал қўлиларини тақдирлаш маросимида қатнашиб, футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар жамоасига махсус дипломларни топширди. Жамғарманинг болаларга мўлжалланган янги лойиҳасига оқ йўл тилаб, мамлакатда болалар футболчини ривожлантиришга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилишини эълон қилди. Бу лойиҳанинг С.Это'О билан ҳамкорликда ўтказилиши ёш футболчиларга янги чўққиларни забт этиш учун руҳий маънавий таълим таъминлади.

Тадбир якунида айтиб ўтилганидек, болаларнинг ҳар бир муваффақияти, авваламбор бизнинг, юртимизнинг ютуғидир.

Шоҳсанам ХИДИРОВА



жамғарма ҳомийлигида Россияда ўтказилган Спиваков номидаги халқаро хайрия жамғармаси лойиҳасининг танловидан, Италиянинг Сити ди Канту шаҳридаги халқаро пианоночилар фестивалида, Франциянинг "Шарк халқлари", Португалиянинг "Эвора", Италиянинг Сан-Ремо шаҳридаги рақс санъати халқаро фестивалларида ва бошқа нуфузли халқаро тадбирларда муваффақиятли иштирок этиб, мухлисларни хушнуд этишди.

Фестивал ғолибларини табриқлаш учун жаҳон эстрадаларининг таниқли хонандаси Сесария Эворанинг юртимизга ташрифи кўпчиликни мамнун этди. Аслида, бундай "кутилмаган ташриф"лар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси учун анъананага айлиниб бораётган. Шарқидлар қалбни ширин хайларга етакловчи биргина "Bessame Mucho" қўшиғи билан забт этган бу санъаткор фестивалнинг уч нафар лауреатига жамғарманинг ва ўзининг махсус трансларини топширди.

Шунингдек, таниқли футболчи Самуэл Это'О фестивал қўлиларини тақдирлаш маросимида қатнашиб, футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар жамоасига махсус дипломларни топширди. Жамғарманинг болаларга мўлжалланган янги лойиҳасига оқ йўл тилаб, мамлакатда болалар футболчини ривожлантиришга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилишини эълон қилди. Бу лойиҳанинг С.Это'О билан ҳамкорликда ўтказилиши ёш футболчиларга янги чўққиларни забт этиш учун руҳий маънавий таълим таъминлади.

Тадбир якунида айтиб ўтилганидек, болаларнинг ҳар бир муваффақияти, авваламбор бизнинг, юртимизнинг ютуғидир.

Шоҳсанам ХИДИРОВА



АДАБИЙ КЕЧА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиб ва таржимон Отаули (Раҳимжон Отаев)нинг ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Отаули қаламига мансуб кисса, дoston ва бадиалар, йирик тадқиқот мақолалари адабийёт илосмандларига яхши таниш. У узок йиллардан бери самарали қалам тевратиб, турли жанрларда ўзига хос бадиий асарлар яратиб келмоқда. Жумладан, унинг "Осмон тўла юлдузлар", "Қалб дарчаси", "Сурнай навалари", "Элчи", "Замона зайли", "Рухият эҳромини", "Тилсим" ва бошқа китоблари мухлисларга маъқул бўлган. Муаллиф бир неча йиллардан бери Ёзувчилар уюшмасида ишлар экан, адабийётимизга кириб келадиган ёш истеъдод эгаларига тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб келади.

Отаули, айни чоғда, бадиий таржима билан ҳам фаол шуғулланади. Таниқли қорақалпоқ адибларининг, бир қатор йирик асарлари унинг таржимасида ўзбек китобхоналарининг ҳам маънавий мулкига айланган. Бундан ташқари, у истиқлол йиллари адабийёт ва адабийтўшнослигининг долзарб масалалари, адабийётда замонавий қаҳрамон образи, иждоқдор эътилоларнинг бurch ва масъулияти хусусида бир қатор таҳлилий мақолаларнинг муаллифидир.

Кечада таниқли шоир ва ёзувчилар, адабийтўшно олимлар Отаули ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўзлаб, унга ҳайрат ва ижодда янги ютуқлар тиладилар.

Кечани Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов олиб борди.

Ёзувчилар уюшмасида

ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Уюшма бадиий наср кенгашининг навбатдаги йилги адабийёт шуро олим ва адиб Пирмат Шермухамедовнинг улғу бобоқалонларимиздан бири Маҳмуд Замахшарийга бағишланган янги асарининг қўлэмаси муҳокама қилинди.

Муҳокамада иштирок этган олимлар, адиб ва адабийтўшнослар Зоҳиджон Исмолов, Насимжон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев, Убайдулло Уватов, Қозоқбой Йўлдошев, Сафо Матжон, Абдуҷалил Ҳазраткулов, Адхамбек Алимбеков, Маҳмад Маҳмудов, Маҳмуд Саттор, Тоҳир Шермурод, Абдуҷалил Кўчимов ва бошқалар янги асар мавзусининг долзарблиги, қўлэманинг ютуқ-камчиликлари тўғрисида сўзлаб, уни янада маромига етказиш учун муаллифга тегишли маслаҳатлар бердилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, асар қайта ишланганидан сўнг, у нашрга тавсия этилади.

Муҳокамада Низомий номидаги Педагогика университетининг бир гуруҳ талабалари ҳам тингловчи сифатида иштирок этишди.

Пирмат Шермухамедов кейинги йилларда фаол иждо қилиётган адибларимиздан бири. Унинг буюк математик олим Муҳаммад Хоразми ва Мирзо Улугбекнинг қизи Робия Султон бегим ҳақидаги илмий бадиалари, Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган «Даҳонинг туғилиши...» маърифий асари китобхоналарда жиддий қизиқиш уйғотди. Муаллифининг навбатдаги асари аллома Маҳмуд Замахшарий тўғрисида бўлиб, бу мавзу ҳам ҳар жиҳатдан эътиборга молиқдир.

Муҳокамада иштирок этган олимлар, адиб ва адабийтўшнослар Зоҳиджон Исмолов, Насимжон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев, Убайдулло Уватов, Қозоқбой Йўлдошев, Сафо Матжон, Абдуҷалил Ҳазраткулов, Адхамбек Алимбеков, Маҳмад Маҳмудов, Маҳмуд Саттор, Тоҳир Шермурод, Абдуҷалил Кўчимов ва бошқалар янги асар мавзусининг долзарблиги, қўлэманинг ютуқ-камчиликлари тўғрисида сўзлаб, уни янада маромига етказиш учун муаллифга тегишли маслаҳатлар бердилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, асар қайта ишланганидан сўнг, у нашрга тавсия этилади.

Муҳокамада Низомий номидаги Педагогика университетининг бир гуруҳ талабалари ҳам тингловчи сифатида иштирок этишди.

БИР БАЙТНИНГ УЧ МАЪНОСИ

Абдулла Қаҳҳор сўз ишлатганда, сўзининг жонини сугуриб олган, дейишади. Алишер Навоий эса, аксинча, сўзининг жонига жон қўшади. Қадимги қомулларнинг кўрсатишича, XV асрда кўп сўзининг зидди маъносинида оз калимаси ишлатилган экан.

Шоир «Фаройиб ус-сиф» девонининг 17-газалидаги қуйидаги байтда ёзади:

Панд эшитмай севдинг уни, эй кўнгул, чек дарду ранж, Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча одатдур санга.

Сўз — ҳазина

Бу сўзга дурр қўшимчасини қўшиб, калиманинг маънолар сонини унчага етказди: 1. Бу санга кам, баттар бўл. 2. Озиб-тўзиб кетасан. 3. Адашасан, хато қиласан.

Биринчи маъно ҳисобга олинса, байтичи қуйидагича изоҳлаш мумкин: Эй кўнгул, насиҳатимга қулоқ солмасдан уни (ёрни) севдинг. Модомики, сенда бундай одат бор экан, баттар бўл. Иккинчи маънога асосланганда, байтининг маънуни қуйидагича: Эй кўнгул, насиҳатимга қулоқ солмадинг. Агар одатинг шундай бўлса, озиб-тўзиб кетасан. Учинчи маънода: Эй кўнгул, насиҳатимга қулоқ солмадинг. Одатинг шундай экан, сен адашасан, хато қиласан.

Эргаш УМАРОВ

“Хуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журналининг ушбу йилдаги ўнинчи сонини ўқувчилар қўлига бориб етди. Журнал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Рашид Мухиддиновнинг одам савдосига қарши курашиш мавзусида ёзилган мақоласи билан очилади. Унда таъкидланишича, бу иш нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидagi муҳим вазифалардан биридир. Журналда мамлакатимиз сайлов тизимининг демократик асослари, сайловлар

да сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаоллиги, соғлом оила — соғлом жамият, суд қарорлари ижроси, апелляция институти, жиноят учун жазо тизими каби долзарб мавзуларда бир қатор қизиқарли мақола-лар эълон қилинган. Қуйида журналининг ушбу сонидa ёрилган Тошкент давлат юридик институти доценти Миродил Баратов ва институт тадқиқотчиси Севара Улашованинг “Тахаллус нима?” сарлавҳали мақоласини хузу-ри қисқартиришлар билан эътиборингиз-га ҳавола этишмоқдамиз.

ридин Бобур); — ҳакамларнинг маслаҳати ва амалдорларнинг таълиқи билан қабул қилинган тахаллуслар: Мух-рим Обид, Мавлоно Замоний (Қаранг: Хомидий А. Тахаллус. — Тошкент: Ўқитувчи, 1978. 14-б). Фарб мамлакатларида ҳам ада-биёт ва санъат намоёндалари та-халлусдан кенг фойдаланганлар. Тахаллус (псевдоним — юнонча pseudo — ёлгон ва оупта — исм) — «санъаткор ёки ижодкорнинг

шахсларнинг тахаллуси остида асарлар чоп этмаслики ҳаракат қиладилар. Тахаллус институти тарихий жа-равёнлар билан ривожланиб борди. Даврлар ўтиши билан тахаллуслар-ни ҳуқуқий тартибга солиш зару-рати пайдо бўла бошлади. Тахал-лус муаллифлик ҳуқуқининг бир қисми сифатида тартибга солина-ди. Муаллифлик ҳуқуқи бўйича жа-ҳон мамлакатлари ҳуқуқий тахри-баси умумлаштирилиб, бир қатор халқаро конвенциялар қабул қилинган. Жумладан, йирик наشريёт ком-паниялари ва фирмалари-нинг манфаатлари учун 1886 йил-да Адабий ва бадиий асарларни му-ҳофаза қилиш ҳақида Берн конвен-цияси, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1952 йилда Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги бунтуқимон Женева кон-венцияси ишлаб чиқилган.

БОЛА НИГОҲИДАГИ ОРАСТАЛИК

Бошланғич биринчи саҳифада.

Тошкентга келганда дўконлардан савдо қилаётиб, олган нарсаларини пластик идишларга эмас, ўша ўзи-нинг зигир толадан қилинган қоп-часига жойлаб чиқатганда супер-маркет назоратчилари эшик олдига тўхташиб қолди. Қўлчалати нарсаларини стол устига тўкишиб, бир-ма-бир текшириб, касса чеки ёзу-лари билан солиштириб чиқишди. “Яхшиям, харидим ҳақидаги патта қўлимда эди. Акс ҳолда мени ўғрилиқда айблаган бўлишарди”, дейди у. Албатта, эндиликда биз-нинг дўкондорларимиз ҳам ўзимиз бир пайтлар эскича одатга айлан-тирган “янгилик”ка қайта бошла-салар ажаб эмас.


Дарвоқе, “Делеман” меҳмонхона-сида ўтган анжуман маиший чиқин-дилар муаммосини ҳақ этишининг энг мақбул йўллари ва бунда жамоатчи-ликнинг фаол иштироки мавзусида эди. Маълумотларга қўра, биргина Тошкентда ҳар йили 800 миң тонна маиший чиқинди ҳосил бўларкан. Унинг ичида тиббиёт муассасалари фойдаланган дори-дармон ва бошқа востанларнинг идишлари салмоғи ҳам анчагина. Чиқинди тўпланмаган ҳудудларнинг умумий майдони миң гектардан зиёд. Демак, бундай катта ҳажмдаги маиший чиқиндини ўз вақ-тида камайтириб бориш чораларини ишлаш ҳам атироф-муҳит муҳофазаси тадбирларида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда “Чиқиндилар тўғрисида” махсус қонун қабул қилин-ган. Айни чоғда, уларнинг атроф-му-ҳитта зарарини камайтириш йўлида муайян савий-ҳаракатлар, илганлишлар олдига боришмоқда. Анжуман мутасад-дилари тақдим этган маълумотларга

биноан ҳар хил маиший чиқиндилар-ни ҳар қандай илгор технология асо-сида завод ёки махсус ҳудудларда ёқиб юборилган қўра, уларни тўплаш, са-ралаш ва бошқа махсуслашга айланти-риш тизимини яратиб ҳар жиҳатдан истиқболли экан. Масалан, пойтахт-мизда фаолият олиб бораётган “Ар-мон” нодавлат нотижорат ташкилоти вақили Дилбар Зайнутдиновнинг фикрича, консерва ва пиво қутила-ри, шиша идишлар, суяк, ойна ва металл каби қаттиқ чиқиндиларни ало-ҳида алоҳида тўплаб, иккинчи тур махсуслашга айлантириш қони фойда. Яъни пиво ва турли консерваларнинг идишлари қайта ишлангандан сўнг ноёб металл — қалайта айланади. У саноатнинг барча соҳаларида ишлати-лади. Бунин Олмония, Буюк Брита-ния, АКШ ва бошқа мамлакатларнинг тажрибалари кўрсатиб турибди. Росси-яда ишлатилган резина буюмлар, ма-шина шиналари, елим идишларни қайта ишланган сўнг олганга дона-дор иккиламчи хомашедан чидалми томпечилар, асфалтга қўшилгандаги моддалар ҳам махсуслашга тай-ёрланмоқда. Шиша ва ойна идиш чи-қиндилари қайта ишлангандан сўнг бе-тонни бойтувчи моддалар олинади.

Хуллас, ишлатилган маиший чи-қиндиларни аралаш-қуралаш кўмиб қўйиш ёки ёқиб юборишдан қўра, саралаб мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш жула катта тежамкор-ликка эришиш, айни вақтда, кўшимча махсуслаш ишлаб чиқа-риш имконини беради. Бу эса ҳам даромад олишга, ҳам она-табиатни кўнгилдагидек асраб-авайлашга, ат-роф муҳитни мусоффо сақлашга катта йўл очади.

М.АБДУЛЛАЕВ

ТАХАЛЛУС



Мухаммад, Гулҳаний (Мухаммад Шариф), Муқимий (Мухаммад Амин), Ойбек (Мусо Тошмухам-мад) ва бошқалар ўз номлари билангина эмас, балки тахаллусла-ри билан ҳам машҳурдир.

Тарихда бир тахаллус билан ижод қилган турли ижодкорлар (Аб-дурахмон Жомий, XII асрда яшаган Аҳмади Жомий, Нишопурда яша-ган Хўжа Кўтубиддин Яхё Жомий, Хиротда яшаган Мавлоно Мухам-мад Жомий, Хиндистонда яшаган Жалолиддин Жомий ва бошқалар), бир жойда яшаган ижодкорларнинг бир тахаллус остида ижод қилгани (Мухаммад Африй Бухорий, Хўжа Исмаил Бухорий, Сайфий Бухорий, Хавлий Бухорий, Кавсарий Бухор-рий ва ҳоказо), бир ижодкорнинг турли тахаллуслар билан ижод қил-гани — Нодира, Комила; ижодкор ўз номини тахаллус сифатида қўлагани, ўзи ижод этган жанр ху-суслигига қараб тахаллус танлагани маълум. Бу ҳолатни турлича

изохлаган. Бизнингча, танланган тахаллус ижодкорнинг фаолияти, туғилган жойи билан боғлиқ бўла-ди. Яъни:

- ижодий меҳнат эвазига бе-рилган унвон туфайли пайдо бўлган тахаллуслар (Юсуф Хос Хожиб);
- туғилган жой — Ватанга бўлган чексиз меҳр, садоқат рам-зи сифатида қабул қилинган та-

БИР ҚИШЛОҚ БОР...

Бир қишлоқ бор тоғнинг ортида, Одамлари соддадил, дилкан. Боладай соф, қалби бегубор, Фурурлари тоғларга туташ. Бир қишлоқ бор тоғнинг ортида, Тоғ ортига беркинган жаннат. Пойида нақд кавсар буюқлар, Кеча-кундуз улашар ҳайрат. Тоғда бўлбуларга қўйилиб, “Чирт-чирт”ни бошлайди чигтак. Бешикларин бошида нари — Айтиб берад момоси эртак. Бобокўш биринчи бўлиб Шу қишлоққа очар юзини. Боболари тўсонга қариб, Алломийдай тутар ўзини. Кўксига бир шукҳ тўлади, Ўз синфининг эшигини очиб — Сиз билмаган чўпон боласи Бўлар бир кун зўр ихтиро! Бир қишлоқ бор тоғнинг ортида, Шовиллайди шаршар — шоқли. Хур қизларин беллини қўчар

Фақат қирқта қора қоклин. Одамлари соддадил, дилкан. Тогта тенгиз олма, анжир. Ширинларни кутар Фарқоллар, Жийда таги — дийдор манзили! Бу қишлоқнинг аёли шундай — Асалари каби бетиним. Сўзларидек ширин таоми, Тилингизни қилади тилим. Ўқинларга жўнатилади Этак-этак ўғил-қизини, Улар ҳали оқлашар албат Тоғ ортининг берган тузини. Бу эртакмас, тилмоқлик эмас, Қўшлар элтид қўш қанотида. Тоғ ортига беркинган жаннат, Бир қишлоқ бор тоғнинг ортида, Одамлари соддадил, дилкан...

Насиба МАШАРИПОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



“Комилликда донишманд даражасига етган ва бу ёруғ оламда қандайдоз йил умргузаронлик қилган инсон.ўз имкониятларининг атиги беш фоизидан фойдаланган бўлар экан...”. Китоблардан бирида ўқиб, ён дафтаримизга қўйиб қўйган ушбу жумлага кўзим тушди дегунча, хаёл суриб кетаман. Аммо бу гапда муложага йўлқўйган ишончим-коми. Ахир Абу Али ибн Сино хазратлари таъби сифатида: “Агар чанг ва губор бўлмаганида инсон минг йил умр кўрар эди”, деб айтиб қўйибдилар-ку.

Донишманд даражасига етиш дегани нима?

“Ақли киши биринчи бир ишни нотўри баҳариб қўйса, уни дарҳол тўзатишга киришади. Донишманд эса хато қилмаслиққа ҳаракат қилади”.

Ушбу мақола қаҳрамони музработлик Қурбон бобо донишманд дег олмайман. Бундай фикр унинг хаёлига ҳам келган эмас. Бир қарашда, оддий, гўрим жойи йўқ, оила, турмуш ташвишлари билан елиб-юғриб юрадиган тинчмасроқ одамлардан бири. Бирор чор-раҳада дуч келиб қолсангиз, ёнидан мутолқо эътиборсиз ўтиб кетишингиз ҳам мумкин.

Қурбон бобо билан сиҳаттоҳда танишиб қолдим. Қисқа ва лўнда гапирадиган, муолажа кўнгилдагидай бўлмаса, гап билан узиб-узиб оладиган, чўртке-сар, жаҳли бурнининг учид туррадиган одам экан. Бу ҳам майли, ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, эрта эшонда хайҳотдай боғни айланиб югуради, бадантарбия қилади. У киши баҳарбаётган машқларнинг айримлари ўғли, на-бираси тенги ёшларни ҳансирашиб қўйиши мумкин.

Янги танишим мўнга бироз ийманиб (гарчи ийманиш у кишининг характери-га унча мос бўлмаса-да) бир китоб узатди. “Тақдир биткилари”. “Бўш пай-тингизда бир варақла-аб кўрсиз, балки сизга маъқул келадиган жойи ҳам чиқиб қолар”, деди. Одатда, китоб ёзган одам ҳеч қачон бундай демайди, неча йиллик меҳнати самарасини бировга совға қилаётганини, демак, ёзганларидан қўнгли тўқ. Ҳозир у ер-бу ерини шунчаки “қўқилаб” қўйиш-гагина арзийдиган, бундан бошқага ярамайдиган китоблар ҳар қадамда учрайди. Қишлоқда яшайдиган бир фермер, китоб ёзишни қўйиллатарми-ди, деган фикрда Қурбон бобонинг биткиларига аста қўз қирини ташлаб, бошидан, ўртағоғидан бир саҳифа-ярим саҳифа “қўқилади”. Шунинг ўзи етарли бўлди — биткиларда тасвир-ланган аjoyиб-ғаройиб, эртакнамо, баъзиларига ишончи қийин бўлган воқеалар тафсилотида бунтунлай шўнғиб кетдим.

Бу одам қим ўзи? Жула катта кетма-япгани, қулочини катта оتماпгани? Эришган ютуқларини ошириб-тошириб, қўшиб-чатиб тасвирлаётган бўлса-чи?

Ахир, бир қулочга, бир қаллага ва, ҳатто, бир умрга ҳам сиғмайдиган гап-лар-ку?

Шу саволлар таъсирида Қурбон акага тикилиб қарайман. У киши, афти-дан, бундай иштибоҳли нигоҳларга ав-валлари ҳам кўп бор дуч келган чоғи, оддийгина қилиб: “Йўлингиз тушса, бориб бир кўрарсиз...” деди-қўйди.

Бу гапдан кейин менда Музработга бориш иштиёқи пайдо бўлди. Ва... бор-дим ҳам. Очигини айтсам, намуаллий фермер ҳўжалиқлари бугун даярли барча вилоятларда бор, қўллари билан танишман. Аммо “Қурбон бобо”да ман-зара, “Тақдир биткилари”да ёзилгани-дан ҳам бошқача бўлиб чиқди. Биргина “бошқача” сўзи билан бу ерда амал-га оширилган, оширилмаган ишларни фодолаб бўлмайди. Қизқичкан одам йўл олислигига қарамай, қайдасан Муз-работ, дег сафарга отланиши керак. Фақат, битта шарт — Қурбон бобонинг ишларини кўрмоқчи бўлган киши соғлом, оёқлари пиёда юришга ўрганган бўлмаса қийна-либ қолади. Бўйи роса уч юз метр келадиган за-монавий молхона бино-сини айланиб қўриш, те-мир тўсиқлардан ўтиш, чуқурликка тушиш, юқорига кўтарилиш, бу ишни неча бор такрор-лаш, оёқ қўйганингизда қимирлаб турадиган, па-отта қарасангиз қўзингиз тинадиган те-мир куприқчалардан ўтаётганингизда қалқиб кетмаслик, баданини жунжиқти-рувчи афғон шамолга чидаш ва, бу-ларнинг ҳаммасидан ҳам қийини — ол-динда бири бирдан қизқичқари, ажаб-товур маълумотларни зарчмай сўзлаб, йўл-йўлақай қанчадан қанча рақамлар-ни ўзаро қийнаб, хулосалаб бораётган, умрининг етмишинчи бекатидан ҳам ўтиб бўлган тетик Қурбон бобога етиб юриш, орқанда қолиб кетмаслик, ҳансираётганингизни сездирмаслик осон иш эмас. Яна бир шарт — бу ерга келган кишининг қишлоқ ҳўжалиқдан, чорвачилиқдан, қурилишдан, физика, химия, биология фанларидан, хусусан металллар қўрилиши, металл эрозия-си, Ньютон, Кулон қонунларидан, Али-шер Навоий, Жомий каби алломалар-нинг инсон ўз умрини беҳуда ўтказмас-лиги, уни эзгу амаллар билан беэши-лозимлиги тўғрисидаги шўх байтлари-дан ороқ хабари бўлгани маъқул. Бу-си сўхбат унча қизмайди, анироғи, оксоқол олдига хижолат тортиб қолиш мумкин. Ахир, Қурбон бобо шоирлар, олимлар ижодидан шариллатиб ўқиб, айтиб турса, фикрини ҳали сиз эшит-маган ғаройиб мақола маталлар билан беэза борса, жим эшитавермай, ахён-ахёнда сиз ҳам бир нималар деб ту-ришингиз керак-ку.

Иккинчи фикрим — одам боласи баъзан қимгадир, нимагадир аччиқ қилиб ҳам тоғни талқон қилиб қўйиши мумкин. Бу тўғрида мен бободан сўра-ганим йўқ, аммо бу “нақирон қария” жула қўлларимизда бугун ҳам мавжуд ҳаракатсизлик, тadbирсизлик, бекфар-лик, фикрсизликка, ҳеч нимага жони ачимайдиган беғам, беташвиш, тепса теббранмайдиган одамларга аччиқ қилиб, одам боласи, агар у астойдил енг шимариб бир ишга киришса, ни-маларга қодир эканлигини кўрсатиб қўйишга қасд қилган қайсар тadbир-корга ўхшаб кетади. Шўро замонининг қалтабин сиёсати ишиблармон одам-ларнинг фикри-зиқрини тушохлаб, қўл-оёғи билан бирга боғлаб-маҳкам-лаб қўйганди. Охир-оқибат тузумнинг ўзи таназулга оқ туғди. Шу бола, ис-тиқлоннинг дастлабки қадамларидак давлатимиз раҳбари ўқувли, ўй-фирк-ли, тadbиркор, ишнинг қўлини билан-

ростлаган биргина балиқхонани олай-лик. “Тақдир биткилари”дан бир-икки жумла: “Қўлларинг қон ўртасига кўриниши ракета қурилмасини эсла-тувчи конуссимон бетон устунлар ўрнатилган. Улар сулфатга чидамли цемент қоримасидан бўлиб саккиз метр қилиб қўйилган. Устунларга те-мир фермалар ўрнатилди ва сим тор-тилади (Ховузлардаги балиқларни ба-лиққўр қушлар еб кетмаслиги учун)... Олти ой давомида тоқарлар ўн уч миң донна сим, шунча болт-гайка ясаб чи-қарибди. Хар бир сим болт орқали йи-гирма килограмм куч билан тортилса, хар бир метрда бу куч икки тоннага етати. Бордию балиқхона деворига терилган хар бир тошини оғирлиги икки тоннадан кам бўлса, қирғоқдаги тош девор қулайди...”. Бу ростнама мўъжиза ва яна — замонавий чорва-чилик комплекси, яратилган бог-ро-лар, ўзлаштирилган ерлар истеъдо-

дан нима қолади? Кел-гуси авлодлар қайси амалларимизни эслаша-ди, улар ҳам биз билан фахрланиша-дими? Истиклолимизга шукур, қисқа вақт ичида авваллари тушимизга ҳам қирмаган қанчадан-қанча улғу ишлар қилинди. Қўнқадас зиёратгоҳларнинг таъмирланиши, дину динбатга йўл очилиши, бутун мамлакат, шаҳар ва қишлоқларимиз қайта қурилаётгани мўъжиза эмасми? Пойтахтимиз Тош-кентнинг янги жамоли мўъжиза эмас-ми? Ана қаранг, чегара қўришиб ту-рибди, нариги қирғоқда биронинг қўлидан тоғора тушиб кетса, шовқи-ни қулқоқ қилинади. Юртимизда тинч-лик-товушлик ҳўкм сураётгани, ахил-иноқ яшаётганимиз, хар оқшом ёстиққа бош қўйиб, хотиржам ухлаёт-ганимиз мўъжиза эмасми? Шуларни ўйлаб ўйқум қочади. “Умр ўтар, вақт ўтар...” деган қўшиқни тингласам, ичимда бир нима титраб кетади. Майли, нимага-дир улгурдим, нимага-дир улгура олмасан ҳам, аммо бир зум тинч тургим йўқ. Баъзилар нуқул маслаҳат бериша-ди. Раҳмат дейман, ле-кин қуруқ мингта масла-ҳатдан битта амал яхши деган гап бор.

— Темир — бебаҳо неъмат, ундан фойдала-на билишимиз керак, — деганларимиз, — дефтоҳида, салфетка-си ҳам бўладими?”, деб лўф қилдингиз, керак бўлса, уни-сини ҳам қиламиз. Билсангиз, булар-нинг ҳаммасини ўрсиз холда таш-лаб кетилган юк вагонларидан, тру-ба, “уғолик”, сим, тўр ва бошқа аш-қол-дашқоллардан фойдаланиб кур-дик. Тошларни бўлса Бойсундан та-шиб қолганми. “Бу тошлар туғилган ерининг тошлари” деб ёздириб қўйилган, ўқинг. “Минг машина” дей-сизми, э, минг машина тош нима бўлибди, бир неча миңг даявонинг. Катта харсанг тошларнинг хар битта-сини балиқхона ҳовузларининг қир-қоқларига махсус қранда битта-битта ўрнатганмиз...

Атрофимиздаги одамлар

Бу иншоот фақат балиқ боқишга-на мўлжалланган эмас. Унинг ноёбли-ги шунда. Қурбон бобо сизот сувлари тинимсиз сизиб турадиган каттакон жарлик ёқасига биринчи бор келгани-даёқ, бу ерни авжи саратонда ҳам салқин иклими оромгоҳга айланти-ришни ният қилган. Шундай бўлибди уна. Бобонинг “Тақдир биткилари” китобида бу тўғрида батафсил ёзилган. Уни ўқиган киши эллик миң тонна хар-сантош қандай тўплангани, қандай юк-лангани, балиқ боқиладиган ҳовузна-га қандай ўрнатилгани, сизот сувлар-га муаммоси қандай ҳал қилинганини билиб олади. Фақат шўнча эмас, ки-тобхон тиниб-тинчимас бобонинг янги орозулари, ушалмай қолган армонлари билан ҳам танишади.

Мухбирлик тажрибадан биламан-ки, мақола деганингиз ҳаммаша ҳам силлиқ ёзилвермайди. Баъзан ил-ҳом, хаяжон билан қўлингга қалам олсан, аммо беш-олтита жумлани қоғозга туширишинг биланок, фик-ринг тугайди, айтадиган гапингни ай-тиб бўласан, қозонда чўмичга илина-диган нарса қолмайди. Қурбон бобо ҳақида бўлса, гапим анча чўзилиб кет-ди, аммо ўқиб кўрсан, у киши тўғри-сида айтмоқчи бўлган гапларимнинг қўпи қоғозга тушмагандай, чўмич қозонда тикилиб қолгандай. Балки, ҳамма гапни батафсил ёзмаганим тўғри бўлар. Нега деганда, Музработ-да ўзига хос мўъжиза яратиб қўйган қаҳрамонинг ўзиди санок керак эмас, бунинг ўзини ҳам хамда айтмайди. Бобо шў қулларда фермер ҳўжалиғида ўзи билан бирга ишлаётган, унга узок йил-лар давомида, турли шароитларда со-диқлик билан ҳамроҳлик қилган иш-чилар учун қўраётган янги уйлари-ни тезроқ ишга тушириш, хар биттаси-нинг қозинга ҳеч бўлмаганда, бит-тадан сигир боғлаб беришни ният-қилиб юрибди. Ва яна — ўзим қўрга-ни: ҳўжалиқнинг бир неча жойига қичқроқ тепалик ҳажмида тош тўки-либди, демак, бу ерда яна бир ажаб-товур иншоот қад ростлайди.

Музработдан қайтар эканман, Дўрмонда Шукур Холмирзаевнинг мўнағибинга қолган чорбоғи ёнидан ўраётиб, ёзувчининг бир гапини эсла-дим: “Ай, Қурбон бир аломат-да, уни тушуниш қийин...”. Худди шу гапни хайрлашиб олтидан Қурбон бобога эслатган эдим, у киши фикримни бат-тар тўзғитиб юборди:

— Шукурбой тўғри айтган, баъзан ўзимни ўзим тушунаман ҳам қолман... Ҳаётнинг гўзаллиги шундаки, атрофи-мизда мана шундай “тушуниш қийин” одамлар бор.

М.АХМЕДОВ

ШУКУРБОЙНИНГ ЭЪТИРОФИ

диган салоҳиятли одамлар йўлидаги сохта тўсиқларни, ҳуқуқий чекловлар-ни олиб ташлади. Хар бир киши ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш, ҳалол пешона тери эвазига мулк орттириш, яшаш шароитини ях-шилаш, толган-тутганини яширмай, фарзандларига мерос қилиб қолдириш имкониятига эга бўлди. Бу имконият бизга қандай наф қелтираётгани бу-гунги турмуш тарзимизда яққол кўри-ниб турибди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида газетамизда: “Ха-ху демай жамиятда мулкдорлар синфи пайдо бўлади, шахсий завод-фабрикалар гу-риллаб ишлайди, одамлар “фарбика йўлидан шунчаки рўмолча” эмас, жула катта даромад ҳам топиб олади, ер дехқонничи бўлади, бир неча авлод роҳат-фароғатда яшайдиган мухташам йўл-жойлар қурилади, махсусларимиз дунё бозорларида сотиладди”, деб ёзганимизда, бизни нақд халқлараста-га чиқаришганди. Бугун энди, хурри-ятнинг атиги ўн тўққизинчи йилда, бу орозулар ҳаётимизнинг оддий ҳақиқат-ларига айланб улгурди.

Шу жиҳатдан қараганда, кўнгилни хотиржам қилсан ҳам бўлади. Аммо... Музработга бориб, Қурбон бобо раҳ-барлигида бўниб ётилган иншоотлар-ни кўрган киши саволлар гирдобига қолади: темир ва тош уйғунлигида қад-

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

БАХТИМАНГИЗ ТИЛАЙДИ БАЙТЛАРИМ МЕНИНГ

Омад кўлдан тушмас, у ҳам феълдан,
Кўлингдан бермасанг, беринг йўлингдан.

Кадри мисқоллаб топасан, аён,
Ва лекин йўқотинг жуда ҳам осон.

Очилган гул хазон бўларкан,
Хазон бўлгач, арзон бўларкан.

Оқил билан ўтган ҳар даминг,
Бутун бўлган асли бир каминг.

Ўғил дилингни ори бўлади,
Қиз соғинчнинг зори бўлади.

Бахт боқмаса бақира кўрма,
Кулфатингни чақира кўрма.

Ўтган кун умрдан узилган томчи,
Кўлингдан келса гар бир ушлаб қол-чи.

Тилаб олган тумордан наф йўқ,
Ҳақни тани, сенга ҳеч даф йўқ.

Тоғни урсанг талқон қиласан,
Қачон меҳринг қалқон қиласан?

Кўнгал кўзи кўр бўлмаса бас,
Узган меванг гўр бўлмаса бас.

Шоҳона кийиниб шоҳ бўлолмайсан,
Тунда жила қилиб моҳ бўлолмайсан.

Тулқига қочиб кутулмоқ осон,
Товуққа, шубҳасиз, тутулмоқ осон.

Тиканни тилингни киргани ёмон,
Энди сен дилингни асрагин омон.

Нодан амал учун борини тикар,
Оқил қадри учун орини тикар.

Кулни шопирганингни жисми кул бўлур,
Пулни совурганингни исми кул бўлур.

Ойнинг ўроғида тўғ йўқдир, билсанг,
Ўзгага малолмас, ўзингдан кулсанг.

Чашмани косалаб тамом қилмайсан,
Худонинг кўнгли кенг, нечун бимайсан?

Сўздаги саломнинг садоси бордир,
Кўздаги саломнинг шифоси бордир.

Қошу қабоғинга тошлар осмагин,
Йўқлаб келган бахтининг барин босмагин.

Майсанг муроди хазон эмасдир,
Тулдорлар бир умр хазон эмасдир.

Чумчуқлар пириллаб учгани учган,
Мусича ҳаловат сувини ичган.

Нечун томошага ўчир оломон,
Ёлгонни ёғлаб кўрсатар шайтон.

Орзу йўлга чиқиб ўшлайверадилар,
Имкон ортда тилин тишлайверадилар.



Жоним, оловларим сўнди кўксимда,
Сермажж тўққилларим,
асов сойларим.
Югурик қонларим илкис олади тин,
Бошимда тўпланган булутлар, дўлар,
Совуқ ёмғирларим кетмади лекин.

Жоним, юрагимдай ёнди хазонлар,
Мезон боғларига яшиллик қайтди.
Янганч қўлини қайларга чўзиб,
Кекса дарахт менга манзил кўрсатди.

Мовий гўмбазлари олис кўрнган
Қирра миноралар уфқларга ён.
Карсон қадамларини кўксига тўйиб,
Бунда қадим йўллар мудрайдилар шоён.

Бунда Сомон йўли юлдузларининг
Қайларга кўчади ёруғ сафлари.
Худди толейинга ваёда берсандек,
Кўҳна ихромларнинг тақдири каби.

Жоним, болалигим қолди ортимда,
Яшил водийларда, мовий тоғларда.
Кафтнингга чизилган йўлларга қараб,
Мени излаб борсин ўша ёқларга.

Ёмғир оҳанглари

Энг яхши кунларга етайлик бирга,
Йўлларимиз узун бўлади беҳад.
Буни айтаялману биламан, лекин
Сен менга ғанимат, менга ғанимат.

Тушимга қиради Сомон йўли, биз —
Яшил сайёралар, қизғин юлдузлар.
Оптоқ елканларин бағрига олиб,
Чайқалиб-чайқалиб турган денезилар.

Энг яхши айрилиқ қандай айрилиқ?
Аразани, ажралини, ўлимни ёхуд.
Парвона шам учун учиб-айланиб,
Оқибат ўзини қилади ноҳуд.

Умид ришталарин узмайдиған дор,
Энг яхши кунларга етайлик бирга,
Ахир Яратган бор, Ҳақ бор, Худо бор,
Айтгин, ишонмаслик мумкинми унга.

Узун йўлда ёмғир билан мен,
Туманларнинг қуюқ оғуши.

Сукунатни ёриб боради
Бир зайлада қадам товуши.

Наҳот, қолар шундоқлигича
Этнограф 1923 йилда Бухорога йўл олиб, машҳур хофиз ота Жалол Носиров ҳамда машҳур танбур ижросида ота Фисёв Ганиевлардан олти макомни ёзиб олишга киришади. Шундан сўнг «Шашмаком» 1924 йилда нашр этилади. Бу ўзбек мусиқаси меросининг илк наشري эди. Аммо барча воқал йўллари танбур ижросида бўлиб, унинг матни ҳам бўлмаган, бу эса «Шашмаком» насрларини тўла ифодалаб бера олмасди. Успенский ўзбек қайта ишлашда халқ мусиқасини янада бойитиш учун унинг ифодавий воситаларини аниқроқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Ўзининг асарларида ўзбек халқ мусиқаси характерига хос бўлган мураккаб ва бой ритмлардан фойдаланишга ҳаракат қилган. Чунончи, овоз ва симфоник оркестр учун «Саъди дуғох хусайний» ҳамда «Дуғох хусайний II» дан унумли фойдаланган.

Тадиқотчи биринчилардан бўлиб Тошкент ва Фарғона vodiysida кенг тарқалган катта ашула жанрини ёзиб олади. Бу ашулалар машҳур хофизлар Акбар Хайдаров, Мухаммаджон Дўстмухаммедов ва Юнус Ражабийлар ижросида ёзиб олинган.

1934 йилда Виктор Александрович Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» поэмаси асосида мусиқали драма ёзишга киришади. Мазкур драмада мусиқий асос сифатида ўзбек кўйларидан кенг фойдаланади. Драма театрида қўйилгандан сўнг катта шухрат қозонади ҳамда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигида ижро этилади. Кейинчалик композитор Г.Мушел билан биргаликда унинг опера вариантини ёзишади.

Композитор Хамид Олимхоннинг «Муқанна» мусиқали драматизми ҳам мусиқа басталайди. Кейинчалик шу асар асосида симфоник оркестр учун «Муқанна» сюитаси вужудга келади. Композиторнинг сўнгги симфоник асари — «Лирик поэма» эса ҳазрат Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллудига бағишланган. Бу асарда симфоник оркестрдан чолгулар халқ чолгулари билан бир-бирига уйғунлашган ҳамда партитурага халқ кўйиқчилигида кенг тарқалган катта ашула жанри қиртилган.

Олимнинг бутун ижодий фаолияти ўзбек мусиқаси маданияти билан узлуксиз боғлиқ. У жамоат арбоби сифатида ҳам турли концерту ижодий кечалар уюштириб турган. Бу тадбирларда турли миллат вакилларининг энг сара мусиқалари янграган.

Этнограф Урта Осиё мусиқаси ҳақида бир қанча мақолалар ҳамда илмий ишлар ҳам ёзиб борган. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драматизми қайта ишлашда речитативлардан фойдаланади. Бу ишда у ўзбек халқининг шеваини ҳамда ўзига хос оҳанглариини ўрганиши ва натижада «Ўзбек операсида речитативлар» мақоласи пайдо бўлади. Илмий ишлари орасида «Турк авжи ва уни Бухоро халқ ашулаларини ривожлантиришдаги аҳамияти» ва «Катта ашула» маърузалари катта аҳамиятга эга.


Виктор Александрович Успенский яратган асарлар ҳамда унинг илмий изланишлари тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек профессионал мусиқасининг йўлга қўйилишида ва ривожланишида катта қадим ҳисобланади.

Дилноза АСАНОВА, Комила КУДРАТОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари.

ШУҲРАТ ДАДАЖОНОВГА ДАДАЖОНИСИ НИМА ДЕГАН ЭДИ?

Ёдингизда бўлса, ўлмас филлимиз «Мафунингман» да Наби Раҳимовнинг қахрамони билан бирга чекка қишлоқлардаги талантлар билан юзма-юз келамиз. Назаримда, мана шу гоё филм юқини кўтариб туради. Яъни, истеъдодлар фақат катта шаҳарларда эмас, аксинча, уларни турли вилоятларнинг турли чеккаларидан ҳам топиш мумкин, фақат илғай билиш лозим.

Фикрим аввалини бежизга мазкур филм гоёсига қаратмадим. Баъзан: «Ҳаёт киногадек эмас, кино ҳам қайсидир бир ҳаёларнинг орузи-да», деган маънодаги гапларни эшитиб қоламиз. Бирок ҳаётимиз айнан киногадек бўлмаса-да, кечмиши кино асарга арзигулик замондошларимиз ҳам йўқ эмас.



Учрашув

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, лирик хонанда Шухрат Дадажон қишлоқда оддий давраларда қўшиқ кўйлаб юрган пайтида пойтахтлик ижодкорлар назарига тушиб қолади. Уларнинг чорлови билан Тошкентга келади. Дастлаб хонанда учун санъат оламида ўз ўрнига эга бўлиш фақат оруздек кўринади, бироқ болаликдан юракка жо бўлган кучли хоҳиш-истаклар ундаги қобилиятни аста-секин юзага чиқара бошлайди.

Бараваста бўйли, истараси иссиқ, кўзларида хали илгитлик шадди акс этиб турувчи бу санъаткор Фарғонанинг Қувасой туманида таваллуд топган.

Отам тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлишига қарамай, ҳақиқий санъат шайдоиси эди, — дея ички бир армоню завок билан ҳикоя қилади хонанда. — Улар мен эришадиган ҳар бир муваффақиятдан фахрланар ва бир гални қайта-қайта такрорлар эдилар: «Ўғлим, сен менинг орузларини амалга оширялсан. Одамлар сени қўшиқчи сифатида танияпти, шу йўлда эъзоз топаётганиндан хурсандман». Отамнинг бу сўзлари доимо менга далда бериб туради.

Хонанда биринчи синфга борганида айтган кўшигини ўзгача ҳаяжон билан эслайди: «О Раъно, о Раъно — қўнғишга ҳамроҳ, Гулмасин ё юрак, ё ишқ иштига нақорати билан айтилувчи қўшиқнинг сўзлари — ушандаги илк титроқ ханузга қадар юрагимда яшайди. Шухрат ака, талантлар танланмайди, балки изланади, деган иборага муносабатингиз қандай? — Танлаш ҳам аслида тўғри. Лекин танланаётганлар орасида айнан сиз излаётган қобилият эга-Эндиликда хонанда миллий

кизиқанмишда, у репертуаридаги асарият қўшиқлари муҳаббат, вафо ҳақидалиги, ҳозирда меҳроқибат, ота-онани тараннум этувчи тарбиявий руҳдаги қўшиқлар устида ишлаётганини ҳам айтиб ўтди. Яъни инсонлар дея ўзидан салмоқли ишлар қилиб қолдирган инсонларни ёдга оламиз. Лекин ораимизда биз билан ҳамнафас яшаётган, одамлар қўнғиша йўл топаётган эзгу ниятли кишиларни ҳамини ҳам тинглайвермаймиз. Аслида, улар билан яқиндан суҳбатда бўлсанг, самимийлик, меҳроқибат тўшунчаларини янада кучлироқ ҳис эта бошлаганини сезсан. Шухрат ака ҳақида эшитганларим ва суҳбат вақтида ўзимча илган болаларча соддалик бу инсон ҳақида илк таассуротим эди. Бундай инсонларга қўнғиш билан манзилга борадиган йўллари айтсангиз, улар, албатта, қийин йўлни танаққулади. Чунки улар инсонни фақат мана шу ўқир-ўқинири йўллар тоблашини яхши англайдилар.

Бу болалигимизда ўқиган эртанинг шунчаки хулосаси эмас, балки унда ҳаётнинг ўзига хос ҳақиқати бор. Отамнинг: «Қизим, ҳаёт доим бирдек давом этмайди. Омадди, омадсиз кунларда ҳам ўзини тутга билган, мувозанатни йўқотмаганларини толиқмайди» деган насихатлари доимо кўлгим остида ҳаранглаб туради. Шухрат Дадажонов ҳам шу оддий ҳақиқатга таяниб яшайдиган инсонлар сирасига кириди.

эстрада йўналишида ижодини давом эттирмоқда. Айни кунларда «Икки ёр», «Севганим билмас», «Лабида бол», «Изларим», «Хаммаси», «Кечирма жоним», «Париод», «Арзанда киз», «Аёллар» каби қўшиқларидан иборат «Екасис» номли албомини яқунлаш арафасида. Ўн йилдири, давлатимизнинг байрам тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Халқ шoirлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жуманиё Жаббаров, Мухаммад Юсуф шёрларидан фойдаланади. Иброҳим Жиянов, Аҳад Қаюм, Дониёр Мирзо каби шoirлар ҳамда бастакорлар Алишер Раҳимов, Мусоқо Безакчилов, Нодир Умаров, Фаррух Абдуллоев, Азиз Холмуродовлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биз хонанданинг келгусидаги режалари билан кизиқанмишда, у репертуаридаги асарият қўшиқлари муҳаббат, вафо ҳақидалиги, ҳозирда меҳроқибат, ота-онани тараннум этувчи тарбиявий руҳдаги қўшиқлар устида ишлаётганини ҳам айтиб ўтди.

Яъни инсонлар дея ўзидан салмоқли ишлар қилиб қолдирган инсонларни ёдга оламиз. Лекин ораимизда биз билан ҳамнафас яшаётган, одамлар қўнғиша йўл топаётган эзгу ниятли кишиларни ҳамини ҳам тинглайвермаймиз. Аслида, улар билан яқиндан суҳбатда бўлсанг, самимийлик, меҳроқибат тўшунчаларини янада кучлироқ ҳис эта бошлаганини сезсан. Шухрат ака ҳақида эшитганларим ва суҳбат вақтида ўзимча илган болаларча соддалик бу инсон ҳақида илк таассуротим эди. Бундай инсонларга қўнғиш билан манзилга борадиган йўллари айтсангиз, улар, албатта, қийин йўлни танаққулади. Чунки улар инсонни фақат мана шу ўқир-ўқинири йўллар тоблашини яхши англайдилар.

Бу болалигимизда ўқиган эртанинг шунчаки хулосаси эмас, балки унда ҳаётнинг ўзига хос ҳақиқати бор. Отамнинг: «Қизим, ҳаёт доим бирдек давом этмайди. Омадди, омадсиз кунларда ҳам ўзини тутга билган, мувозанатни йўқотмаганларини толиқмайди» деган насихатлари доимо кўлгим остида ҳаранглаб туради. Шухрат Дадажонов ҳам шу оддий ҳақиқатга таяниб яшайдиган инсонлар сирасига кириди.

Нафиса СИМАТУЛЛАЕВА



ТАМАРАГА АТАЛГАН ОЛҚИШЛАР

Куй — мўъжиза! Қалб фақат чиройли куйдангина озикланади. Бу борада мусиқа руҳ маънаси иккинчи кўплар таъкидлаган. Шу боис, мусиқа инсонни ҳаётга, уни севишга чорлайди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Клавишлар узра юғраётган бармоқлардан таралаётган куй айни вақтнинг ўзида неча-неча қалбларни забт этади... Олқиш суратидаги эътирофлар ёш истеъдод соҳибаси Тамарага аталган.



Тамара айни дамда Виктор Успенский номидаги республика истиснослаштирилган мусиқа академик лицейининг биринчи курсида таҳсил олмақда. Мусиқага бўлган иштиёқ уни бу санъат даргоҳига етаклади. У илк бора 11 ёшида Италияда бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаганди. 2007 йил эса Берлинда бўлиб ўтган ёш

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидаги аёл хонандалар халқаро танлови мақсадида маданият-маънавий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Мусиқа, театр санъати, ижрочилик маданиятини янада равнақ топтириш ва соҳадаги ютуқларни кенг тарғиб этишда мазкур танловнинг ўрни беқиёсдир. Танлов 2002 йилдан буён уч маротаба республика миқёсида ўтказилди. Танловнинг йил сайин нуфузи ошиб бориши муносабати билан бу йил илк бор халқаро мақомага эга бўлди. Бу йилги танловда Қозғистон, Тожикистон, Хитой, Украина ва бошқа мамлакатлардан келган ёш хонандалар иштирок этдилар. Танлов 21-26 сентябр кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида бўлади. Тақдирлаш маросими ва якуний концерт эса Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида симфоник оркестр жўрлигида бўлиб ўтади.

ИРОДА АБДУЛЛАЕВА

КЎҒИРЧОҚЛАР АНДИЖОНГА ЙЎЛ ОЛИШАДИ

Театр халқнинг маънавий кўзгуси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у хар доим томошабинлар талабига жавоб беришга ҳаракат қилмоғи даркор.

Театр доимо ўз томошабинларининг орзу-умидлари, қувончу таъшишлари, кураш ва интилишлари билан яшаб келади. Шунини айтиш лозимки, театр бу фақат томоша кўрсатиладиган ва ҳордик чиқарадиган жой эмас. Саҳна санъати бугун култур насихатчиликлардан чекиниб, томошабинларни фикрлашга, хулосалар чиқаришга ундаяпти. Шу мақсадда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биришмаси хар йили театр санъатининг турли жанрларида республика миқёсида фестивал ва танловлар уюштириб келмоқда.

Яқин кунларда Андижон шаҳрида Кўғирчоқ театрларининг VIII аънаваный курик-фестивали бўлиб ўтади.

Юртимизда фаолият олиб бораётган ўрта Кўғирчоқ театрлари учун имтиҳон вазифасини ўтайдиган мазкур танловда бу қадимий санъат турининг бугунги аҳоли, режиссура, драматургия, сценарграфия, актёрлик маҳорати чўқур таҳлил этилиб, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ўрганилади.

Кўғирчоқ театрлари, авваламбор, болалар театридир. «Дунёни гўзал кўрмоқчи бўлсанг, унга бола кўзи билан боқ» деган гал бор. Шундай экан, болалар учун яратилаётган хар бир янги саҳна асаридида ҳам тегишли фикр бўлиши лозим. Кўғирчоқ театри драматургияси фақат эртаклар ва қўнғишлар билан чегараланиб қолмасдан, замонавий мавзуларга, болаларнинг бугунги ҳаётини ақс эттира оладиган асарларга асосланиши зарур. Бундай фестивал ва танловларни ўтказишдан асосий мақсад ҳам аслида шу — драматургияга эътибор, янги ижодкорларни кашф этиш ва театр жамоаларига амалий ёрдам бериш. Фестивал арафасида Республика кўғирчоқ театрининг актёри ва режисёри Фатхулла Хўжаев ва Самарқанд кўғирчоқ театрининг раҳбари Баҳром Мухаммадиевни суҳбатга чорладик.

Ф.Хўжаев: — Бу анжуманда биз бир муҳим ижодий масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Гап шундаки, айрим вилоят театрларида актёрлар таркиби ҳаваскор санъаткорлардан тuzилган. Уларда ишлашга ва аниқлик яратишга эҳтиёж катта, аммо маҳорат етишмайди. Шу боис бизнинг театримизда кўшида жамоатчилик асосида ёш актёрларнинг маҳорат мактабини тузиш масаласи ҳал қилинса, яхши иш бўлар эди. Б.Мухаммадиев: — Юртимизда фаолият олиб бораётган Кўғирчоқ театрлари ўзларининг кундалик ишлари билан овоза бўлиб қолмоқда. Бизга ижодий ҳамкорлик етишмайди. Мулоқотда бўлиб туриш учун ижодий сарфларини ўтказишимиз, ютуқларини бир-биримиз билан ўртоқлашиб, муаммолар ечимини биргаликда изласак айни мудоаа бўлар эди. Шу билан бирга фестивалда халқаро кўғирчоқ театрлари иштироки — УНИМА таъшилати билан алоқани йўлга қўйиш масаласини гаплашиб олсак деган ниятдаман. Мазкур аънаваный фестивал



Суратда кўғирчоқбоз Фатхулла ХУЖАЕВ.

дарё театри катталар учун «Кўғирчоғим уйнайди» (Х.Х.Ниёзий асари, Т.Кобилов инсценировкаси, реж. Т.Йўлдошев) спектаклини, Бухоро театри «Олтин тарвуз» томошасини (инсценировка Муаллифи ва реж. Л.Сувондиқова), Жиззах Кўғирчоқ театри «Яшна, бустоним яшна», Самарқанд театри «Пойтахт бошқоқ» ва Республика театри «Оловидиннинг сеҳрли чирғи» (А.Чупин асари, реж.Э.Орипов) каби спектакллари таниди этакдилар.

Танловдан ташқари, Ўзбекистон давлат санъат институтининг талабалари иштирокида «Мушук кўла қошонаси» спектакли ҳам ҳўрсатилади.

Фестивал давомидида театрининг ёш актёрлари учун маҳорат дарслари ва ушбу соҳанинг ютуқ ва камчиликларига бағишланган илмий-амалий конференция, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Драматургияда замонавий қахрамон талқини» мавзусида драматургларнинг республика семинари кенгаши ўтказилиши ҳам мўлжалланмоқда. Барча фестивал иштирокчиларига омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

А.РАХИМОВ, «Ўзбектеатр» биришмаси ахборот бўлими бошлиғи.

ОЗАРБОЙЖОН МИЯЛЧЎ ОПЕРАСИ

Қардош Озарбойжон халқининг мусиқа санъати ўзига хос миллий аънаваларга эга. Халқ кўшиқчилиги, мумтоз мусиқа — мугомлардаги қочирим ва нағмалар доимо мусиқа шайдоларини мафтун этиб келади. Озарбойжон миллий ва мумтоз мусиқаси ривожиди атоқли композитор Узейр Ҳожибеков ижодининг салмоғи катта.

У.Ҳожибековнинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўз юритишимиз. Озарбойжонлик хонандалар томонидан ижро этилган «Лайли ва Мажнун» операсидан Лайли ва Қайс ариялари томошабинларга манзур бўлди. «Сугдиёна» халқ чолгулари оркестри ва Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри хонандалари композиторнинг «Аршин мол олон» комедиясидан «Гулчехра» арияси, «Гулчехра ва Аскар» дуэтлари, «Сенсиз» романси ва бошқа машҳур асарларни маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Н.МАШАРПОВА

ЖАФОРАТ БЎСТОНИМ МАНИМ

Ўтмоқда. Уларда юртимизнинг ҳаваскор қўшиқ ижрочилари, эстрада хонандалари, бахши ва халқфалар иштирок этмоқдалар. Танлов иштирокчилари Отажон Худойшукуров ижро этган аънаваный йўналишида она-тантан, истиқдол ва севги-муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқларни қўйлаб, ўз халқларининг намойиш этишмоқда.

М.КАРИМОВА

“ТАБАССУМ”НИНГ ДЎСТИ

Бугун яқшанба. Мен ёқтирган кун! Хозиргина “Табассум” радиожурналининг навбатдаги сонини тинглаб бўлдим. Ҳар гал “Табассум”ни тинглаганимда шу эшиттириш билан боғлиқ кўп воқеа, ҳодисалар ёдимга тушаверади. Бугун ҳам шундай бўлди. Бундан кўп йиллар илгари Озод Шарафидинов билан бўлган бир суҳбат ҳаёлимни банд этди. Магнит тасмасига туширилган бу тарихий ёзув менинг шахсий архивимда сақланади.



“Мен “Табассум”да муаллиф сифатида қатнашганим йўқ. Ҳикоя ва бошқалар ёзмайман. Лекин юморни, кулгини юракдан яхши кўрадиган одамман. Юморсиз, кулгисиз туролмайман. Ҳазил-мутуйибасиз туролмайман. Каердаки, бир қувноқ нарса бўлса, дилни чоғ қиладиган, равшан қиладиган нарса бўлса, топиб ўқишга ёки эшитишга ҳаракат қиламан. Шу маънода мени “Табассум”нинг дўсти, мухлиси деб аташа бўлади...”

1998 йилнинг куз ойлари эди. Республика радиосининг топшириғига кўра кўп йиллар радиода ишлаган таниқли журналист, ёзувчи Рустам Раҳмон хотирасига бағишлаб эшиттириш тайёрлаётган эдим. Қажрамонини биладиган дўстлари, ҳамкасблари билан суҳбатлашдим.

Озод Шарафидинов Рустам ака билан хозирги Миллий университетда бирга ўқиганидан хабарим бор эди. Шу сабаб менда Озод акадан ҳам интервью олиш нияти туғилди. Домла раҳбарлик қилаётган “Жаҳон адабиёти” таҳририятига йўл олдим. Озод ака журналининг янги сони материалларини кўриб чиқайтган экан. Мақсадимни айтдим. Бажонидил қабул қилди. Қоғозларни бир четга суриб, суҳбатга чоғланди. Мен

репортёр микрофонини устозга тутдим. Озод ака Рустам Раҳмон ҳақидаги ёрқин, мазмунли хотираларини қисқа, лўнда қилиб, ўқтам овозда гапириб берди.

Ишининг бу қадам осон кўчганидан мамнун эдим. “Раҳмат, устоз!” дедим. Микрофонни ўчириб улгурмаганим, Озод ака сўраб қолди:

— Сиз бошқа бўлимга ўтдингизми? “Табассум”да ишлардингиз, шекилли. (Устоз хозир мен тайёрлаётган эшиттириш бошқа мавзуда бўлаётгани боис, шу саволни берди, шекилли.)

— Йўқ, хозир ҳам “Табассум”даман, — дедим.

Гапдан гап чиқиб, суҳбатимизнинг давоми “Табассум”га уланиб кетди.

— Тўланбой, “Табассум” ташкил бўлганига неча йил бўлди?

— Уттиз бир йил.

— Бу кичкина гап эмас, — деди домла мамнун оҳангда. — “Табассум” шу ёшга кирган бўлса ва аллақачон халқимиз

ўртасида, танилган, обрў ортирган бир эшиттириш бўлган бўлса, шу эшиттиришни уюштирган одамларнинг хизматлари жуда ҳам катта. Мен биринчи навбатда Тўлан Кўзибоевнинг ўзини тилга олишни истадим. Бу йилги “Табассум”ни ташкил қилган. Уттиз бир йилдан бери шу хизматни қилиб юрган одамлардан биттаси. Мен уни хизмат кўрсатган табассум арбоби деган бўлардим...

Гап мен ҳақимда бораётганидан хижолат чекиб, қизариб, нимадир демоқчи бўлдим, дея олмадим. Сабаби — микрофон очик эди.

Уша кунги суҳбатимиз фақат “Табассум” доирасида бўлмади. Озод ака бугунги кулги, ҳазил-мутуйибанинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли, қолаверса, “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам шу мавзунга кенг ёритиш режалаштирилган ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

Мен Озод акани турли давраларда, адабий учрашувлар, маърифий кечаларда кўп кузатганман.

Чиндан ҳам устоз кулгини, ҳазил-мутуйибани яхши кўради. Озод ака

қатнашган давралар доимо файзли, мароқли, қувноқ тарзда ўтарди. Домла қаерда, қай мавзуда маъруза қилмасин, тингловчилар уни берилиб тинглашарди. Чунки домланинг ҳар бир чиқиши қувноқ латиғаларсиз, ҳазил-мутуйибасиз бўлмасди.

Устоз кулги ва табассумнинг жонкуяр тарғиботчиси ҳам эди. Ишлари, дарслари шу қадар кўп бўлишига қарамай, халқ латиғаларини тўплаб “Ичақузди хангомалар” номи билан китоб қилиб чиқаришга улгурган (Муаллифнинг айтишича, бу китобнинг асл номи “Минг бир ханда” бўлган экан).

Бу тарихий суҳбатни қайта-қайта тинглар эканман, устоз Озод Шарафидиновга бўлган меҳрим, ҳурматим янада жўшиб кетди. Бу қимматли суҳбатнинг Рустам Раҳмон хотирасига бағишланган қисми ўз вақтида эфирга берилди. “Табассум”га бағишланган қисми эса магнит тасмадагина қолди...

Яхшилар ёди

Тошпўлат Ҳамид раҳбарлик қиларди. Унгача Қизилтепа тумани халқ таълими бўлимини бошқарган Тошпўлат ака педагог бўлганидани ёки ўзи қувноқ, мулоим табиатли инсон эканидиганини, биз ёшлар уни ёқтириб қолгандик.

Ҳар ўн беш кунда ўтказилган иккунлик йилгилишда ҳар ким ўзи машқ қилган шеър ёки ҳикоясини ўқиб беради, бошқалар у ҳақда фикр билдирар эди.

Биз бир гуруҳ курсдошлар — Максим Каримов, Неймат Аминов, Жамол Камол, Жўра Тураев ва мен шу тадбирларнинг доимий иштирокчилари эдик. Сафар Барноев мактаб ва ўқувчилар ҳаётига доир, юморга бой шеърларини ўқиб беради, дарва аҳлини қулдириб, завқига-завқ қўшарди.

Сафарда ўқувчиллик пайтидаёқ шаклланиб кетган ушбу хислат бир умр уни тарқатмади ва йиллар оша бойиб, ривожланиб, кўп-кўп шеърлару ҳикоялар, қиссалару достонлар ёзилишига туртки, иккунлик кўр бўлиб хизмат қилди. Пойтахтда ўқиб, ишлаб, шу ерда турмушу қуриб, муқим яшаб қолган бўлса-да, бир умр Бухоро билан алоқасини узмади. У қаерда меҳнат қилмасин, имкон топиб, йилга икки-уч марта Бухорода бўларди. Ҳар келганида ўз сафар вақтининг ярмини қалимий шаҳарда ўтказса, қолган қисмида вилоят туманларида бўлиб, деҳқонлару чорвадорлар, ёшлару ўсимлар, отахону онахонлар билан учрашар ва мириқиб суҳбатлашарди.

Сафар Барноев умр буйи болалар адабиётига хизмат қилди. Уни янги-янги назмий ва насрий асарлар билан бойитди. Аслида Сафар Барноев Бухорога фақат дам олиш, ҳордиқ чиқариш учунгина эмас, балки ишлаш учун, ёзилажак янги асарларини миёда яна бир бор пишиштириб олиш, бўлажак ҳақрамонлари — ўзи ва ўзи сингари уруш йилларида болалиги кечган ки-

Тўлан КЎЗИБОВ

МУАЛЛИФИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўтиб баҳор, ёз, куз ва қишдан, Истефого чикдим севишдан. Демак боши очик хонимлар, Энди холи хатар-ташвишдан.



Китобингизни ўқидим

тўпламида Фармоннинг иқтидорли ёш шоир Нодир Жонузқонинг “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган “Меҳрибоним” шеърый тўпламига ёзган тақриз ҳам эълон қилинган. Шоирнинг бу китобини адабиётшунос олимлар, шеърыйат ихлосмандлари мамнунлик билан кутиб олиш-

риз кўйдаги жумла билан яқунлади: “Нодир Жонузқонинг “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган “Меҳрибоним” шеърый тўпламига ёзган тақриз ҳам эълон қилинган. Шоирнинг бу китобини адабиётшунос олимлар, шеърыйат ихлосмандлари мамнунлик билан кутиб олиш-

жон... Гарчи табиатан мактовни, ҳамду санони хуш кўрмасангиз-да, бир гапни айтишга ҳақимиз — Сизга ҳавас қиламан, Сиздай шогирдим борлигидан фахрланаман”.

Ушбу мақолани яқунлаб, кўлэзманни ўқир эканман, унинг бир қусурини сезиб қолдим. Фармон ҳаётида жуда жиддий, аммо ҳазил-мутуйибани хуш кўради, унинг самимий, тағмаъноли лутфларидан, бегараз қочқиримларидан кўнчилик хабардор. Шу маънода мен ҳам бир лутф қилсам-миким, деб қолдим...


Қишлоғимизда шахмат ўйинини жуда севишди. Қўйиб берсангиз, эртадан кечгача чойхонада ома суррадианлар қанча. Шулардан бири бир кунни кўшни қишлоқлик меҳмоннинг “Сизларда энг зўр шахматчи ким?” деган саволига қўйидаги жавоб берибди: “Раззоқ буваннинг катта ўғли, Низомов домла ва яна Холмирза деганимиз бор, жуда қаттиқ ўйнашади, “любой” рақибнинг абжари чиқарворишади. Аммо...”.

— Нима аммо, — ҳайрон бўлиб сўрабди меҳмон.

— Уларнинг ҳаммаси менга ютқишда...

Нодир Жонузқодай умидли шоирнинг шир устозига менинг самимий ҳавасим келиб кетди.

Аҳмад ОҒА



Ўзини бўлса пайвон бўлсин, ажасида ВАШИНИ...

Матбуотда узоқ йиллардан бери ишлаб, шу соҳада суяги қотган, кўзи пишган ҳамкасбларнинг китобини ўқиш жуда ҳам мароқли. Бошқа соҳаларнинг ҳам ўзига яраша сир-синоатлари бўлади, аммо бадий адабиётда, журналистикада бир нималарни қозоғга тушириш, жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш учун анча-мунча кўйлақни йиштириш, маълум йўللари босиб ўтиш, кўплаб йўлчи-йўловчилар билан суҳбат қуриш, ўқиш, ўрганиш зарур бўлади. Одатда, ҳаётий воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам иждоқорга илҳом бахш этмайди. Бундай ҳолатга тушиш учун қўлга қалам олган киши ҳаётнинг ичига жуда чуқур кириши, кўрган-кечирганларининг моҳиятини тўғри англаши ва улардан тегишли хулоса чиқариши лозим бўлади.

Самарқандда яшаб ижод қилаётган ҳамкасбимиз Фармон Ташевнинг кейинги йилларда мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган бир неча адабий-бадий ва публицистик тўпламларини варақлаб, айна шунга яна бир бор иқдор бўлдим. Фармон тажрибали журналист, хозиржавоб публицист ва ташкилотчи муҳаррир сифатида бугун кўпларга ўрнак бўлиб келмоқда. Унинг қаламидан унган кўплаб мақолаларда, матбуотимизнинг бугунги вазифаларига доир йиғилишлардаги маърузаларида, телеинтервюларида ўзига ўхшаш кўнчаллик, яхши маънодаги безовталик бор. Фармон бошқа айрим ҳамкасбларимизга ўхшаб, бир мавзу ёки бир йўналишда қолиб кетмай, бугунги ҳаётимизда, турмуш тарзамизга бевоқиф тааллуқли кўплаб соҳаларда бир-дай қалам тебратди. Унинг янги авлоднинг маънавий олами, дунёқараши, ёшлар тарбиясидаги айрим қусурлар, оила, оталар ва болалар, санъаткорнинг бурчи ва масъулияти хусусидаги ҳар бир чиқиши ўқувчи онгига енгил етиб боради, уни кўтарилган муаммо хусусида фикрлашга чорлайди. Фармон Ташев кейинги йилларда ўзини қалами яна қайралган шоир сифатида ҳам намёнён этмоқда. Унинг бу йўлдаги машқларидан айримларини газетхонлар хулмига ҳавола этганимиз.

МУХБИРЛИК САБОҚЛАРИ

Фармон Ташев фақат кўнчал муҳаррир эмас, у энди тажрибали устоз ва мураббий ҳамдир. Бугун кўплаб таҳририятларда “Маҳорат мактаблари” ташкил этилган бўлиб, уларда журналистикага майдан қадамлар билан кириб келаётган ёшлар тахсил олмақдалар. Бундай мактаблардан бири Самарқандда, “Зарафшон” газетаси қошида, муҳаррир Фармон Ташев раҳбарлигида фаолият юритмоқда.

Ҳамкасбимнинг “Мен ёмғирли кунда келаман”, “Қарнаблиқлар қулгуси”, “Умринг ўртаси”, “Бедаво кўнгал” китобларини синчиклаб ўқиб чиққанман. Яқинда “Тафаккур” нашриётида чоп этилган яна иккита тўплам — “Муҳбирлик сабоқлари” ва “Мен англаган ҳақиқат”ни ўқиб, бир хулосага келдим-ки, бугун журналистика факультетларида яна кундаги талабалар дараҳасида ёзилган амалий қўлланмалар кам экан, бундай китоблардан бемалол фойдаланса бўлади.

Сўнгги гап. “Мен англаган ҳақиқат”

МУХБИРЛИК САБОҚЛАРИ

ди. Фармон мазкур тақризнинг бир нусхасини бизга йўллаб, “Эълон қилиш учун эмас, фикр билдириш учун”, деб илтимос қилди. Ўқиб чиқиб, баъзи ўринларини муаллиф билан бирга ишладик, бемалол эълон қилса бўладиган тақриз экан. Уйчи ўйлағунча таваққалчи ишини битиради, деган гап бор. Иш билан бўлиб, Самарқандга кўнгирок қила олмамиз, Фармоннинг ўзи ҳам биз билан қайта боғланмади. Китоб муаллифига хат шаклида ёзилган ўша тақризни бугун тўпламда кўриб, хурсанд бўлдим. Муаллиф Нодиржоннинг шеърларини жуда чуқур ва холис таҳлил қилган, ютқларини батафсил кўрсатган. Тақ-

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРКАТУВИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилымиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93

Таъқиб ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА Саҳифаловчи — Жамшид МАТЕКУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.22

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4293. Буюртма Г — 1048. Ҳажми — 8 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223, 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Х.Х.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи жамоаси коллеж ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кенгесбай Сержановга онаси

Жумагул ОДИЛОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази Сурхондарё вилояти халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори

Назар БОЙҚУЧҚОРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига ҳамдардлик билдиради.

шилларнинг оғир ҳаётини дилдан ҳис этиб, тасаввурда тиклаш мақсадида келарди. Шунга ҳам айтиш жоизки, уруш йиллари болаларининг ҳаёти ҳақида энг кўп ва энг ҳўп ёзган иждоқор — Сафар Барноев бўлди! Унинг асарларини ўқир экансиз, ўтган асрнинг 40-йилларидаги Ўзбекистон, айниқса, Бухоро манзараси, ўша йиллардаги болалар ҳаёти, катталар ва кексаларнинг мушкул ахлоқи кўз ўнгингиздан кино лентаси каби ўтаверди.

Сафар Барноевнинг Бухорога тез-тез

ДАВРАМИЗ КЎРКИ ЭДИ...



ташриф буюришининг яна бир сабаби, ўша оғир уруш йилларида азиз фарзанди — ўз Сафаржонини не-не машаққатлар билан елириб-килдирган, оқ ювиб, оқ тараган онасонини кўриб, кўнглини кўтариш дийдоридан баҳраманд бўлиш эди.

Сафарнинг ойиси Рўзигул яна новчадан келган, қоқ жуссалли, юз-қўзилан меҳр уфуриб турадиган аёл бўлиб, ҳар гал ўз ўғлини соғинч билан кўчиб, ўпиб кутиб оларди. Унинг умр йўлоши Барно Собиров уруш бошлангач, армия сафига қаққирлиб, фронтга кетган, ёш гўдаги Сафар билан қолиб, не-не азобларни кўрмади, дейсиз. Онасига нисбатан Сафарнинг меҳри беқийс эди. Бир гал у Бухорога ҳикса фурсатда — икки кунлик йўллама билан келди. Биринчи кун Бухорода бўлиб, тушдан кейин Олота йўл олди. Кечга яқин ишни тутатиб, йўлга тушаётган пайтда бир киши машинадан тушиб, биз томон кела бошлади. Бу — Иброҳим Авлиёқул эди. Иброҳим ака Сафарни эшитиб, бу ерга келганини айтиб ва меҳмонларни уйига тақлиф этди. Сафар бизга қараб.

— Бу киши — яқин қариндошимиз, рози бўлсангизлар, беш минутга кириб ўтайлик, — деди. Рози бўлдик. Дўстлар дийдорини, ширин гурунгу тўфайли беш минутлик ўтириш беш соатга чўзилди. Кеч соат 12 дан ошганда ўрнимиздан қўзғалдик. Олот — Бухоронинг чекка, жанубий тумани. Ромитанга бориш учун Қорақўл, Жондор туманларидан ўтиб, камда 100 километр йўл босшимиз керак. Йўлга чиқшимиз билан, шарос ёмғир куя бошлади. Мен Жондорда қолишни тақлиф этдим. Сафар кўнмади.

— Онамни бугун кўришим керак. Ахир, эртага эрталаб Тошкентга учаман-ку?! Бунинг устига, укаларим ҳам мени ўша ерда кутиляпти. Мени тушунинлар, дўстларим, — деди у.

Ёмғир ва лой йўлни кечиб, тун ярида Ромитанга етиб келдик. Сафарнинг овозини эшитиши билан Рўзигул яна югуриб чиқди...

Умр ўтади, хотира қолади, деган гап бор. Хозир Сафарни, у билан боғлиқ воқеаларни эсларканман, кўз олдима нафақат Бухоро, у билан пойтахтдаги мулоқотларимиз, Ўзбекистон радиосидаги учрашувларим, Тошкентнинг баҳаво қўчалари, анҳор бўйларини биргалликда кезганларим, шоир хонадонидида ўтиришлар, бизга беиннат хизмат қилган Маджидхоннинг елиб-югуртиришлари, ёшгина Жаҳонирнинг чой ташиб чарчамагани кўз олдима жонланади.

Ушбу хотираларни қозоғга туширишдан олдин Сафар Барнонинг менга юборган бир мактубини ахтариб, кўлэмаларини тип-киласам, хат учрамади-ю, тасодифан дўстимиз бағишлаб ёзган бир шеърининг қорамласи чиқиб қолди.

Болаларнинг шеъри билан Хушуд этар Сафар Барно, Бухорога дарҳол келиб, Дарҳол келар Сафар Барно. Қайда бўлса, янгар қулау, Тўқин-сочини кенг дастурхон. Ён оғи ҳам бўлмас ую, Ён оғи чини қулар мезмон. Эрта тондан барга уйроқ, Завак кечар нонушта ҳам. Мева-чева, қатик, қаймоқ, Танин этар яна бардам. Сўнг бошланар учрашувлар, Болаларда завқ-ҳаяжон. Чапак илгар, шоир Сафар йўл оғанди шабгор томон. Ҳаммамиз ҳам тақдор-тақдор Шейр ўқиймиз, шеър тиллағимиз. Бу ҳаётнинг ширинлигини Шу лаҳзада хўп англаймиз. Шейрлар ўқиб, болаларни Хурсанд этар Сафар Барно, Дарҳол келиб, дарҳол келиб, Непар, непар Сафар Барно!...

Гулом ШОМУРОДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Утеранный аттестат №2463 выданный Якасарским профессиональным колледжем сферы услуг в 1961г. на имя Горина Виктор Михайловича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный диплом 084392 № 11497 выданный Ташкентским областном государственном педагогическом институтом г. Ангрен на имя Нишанова Батира Артыкбаевича в 1996г **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕТЕЛЬНЫМ.**

ЧП "ELSA PRO" Мирзо-Улугбекского р-на ИНН 300 357 045 реорганизуется в ООО "ELSA PRO". Претензии по тел: 111-63-85.

ООО "EDISON ADVERTISING" Юнусбадского р-на, объявляет о своей ликвидации. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня выхода объявления. По тел: 633-00-79

ЧП "LOBARI NET" зарегистрированное в Мирзо-Улугбекском хокимияте за № 003793-04 от 16.05.2008г. по адресу ул. Бойчекдак д.16 г.Ташкента ИНН 300837380 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Согласно приказу №1 директора и решению учредителей 18 ноября 2009г.

Претензии принимаются в течение 2х месяцев с момента опубликования объявления по тел: 100-61-27

Утеранный диплом КВ № 844926 выданный в 1986г Ташкентским государственным педагогическим институтом иностранных языков им Ф. Энгельса на имя Газиевой Шахнозы Шавактовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕТЕЛЬНЫМ.**

ООО "DAROMAD-SAVDO" зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусбадского р-на г. Ташкента № 10-000084 от 26.09.2005г (код ОКПО 17161185), ИНН 202695481 в соответствии с решением учредителя за № 3 от 20.01.2009г **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования объявления по адресу г. Ташкент Юнусбадского р-на, ул Мирзаахмедова 206. Тел: 343-61-51.

ООО "LORO MAX SERVICE" сообщает об

Утеранный паспорт за № СА 2509859 выданный Чиланзарским РУВД г. Ташкента от 16.02.2008 года на имя Рахматуллиной Нелли Ринатовны нашего просим вернуть за вознаграждение по тел: 128-18-75.

Утеранный кадастр документы на здание за №8-221/2006 и на землю за №9117768278 расположенный по адресу г.Ташкент С.Рахимовский р-н, ул Колонова 2а выданный на ООО "BOG" ZILOL SAVDO) **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕТЕЛЬНЫМ.**

увеличения уставного фонда с 2 млн до 150 млн сум.

ООО "AVALON MAX" (ООО "AVALON MAX") зарегистрированное Отделом Государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шахматхурского р-на, г. Ташкента, расположенное по адресу: улица Уйгур, д.111а (ИНН: 300828660), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (на основании решения учредителя № 1 от 10.11.2009г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента публикации указанного объявления.

Бектемир тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 23 январда 000292-02 рақами билан рўйхатга олинган "МАХБУБА SAVDO" хусусий қорхонаси (СТІР: 205975961, ОКПО: 20536671) қорхона таъсисчисининг 2009 йил 18 ноябрдаги №12-сонли буйруғига асосан тугатилди. Давролар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда Бектемир тумани Фаргона йўли қўчаси, Қўйлик деҳқон бозори 7-блок, 1-қават манзилида қабул қилинади.

ООО "MOSTORGINVEST" зарегистрированное Отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Бектемирского р-на, г.Ташкента, (реестровый номер 000317-02 от 12/04/2006 г) расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Охонгорон шох дом №215 (ИНН 206377637) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя протокол №1 от 19.11.2009 года). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления. Тел: 731-20-37.

Утеранный паспорт за № СА 2509859 выданный Чиланзарским РУВД г. Ташкента от 16.02.2008 года на имя Рахматуллиной Нелли Ринатовны нашего просим вернуть за вознаграждение по тел: 128-18-75.

Утеранный кадастр документы на здание за №8-221/2006 и на землю за №9117768278 расположенный по адресу г.Ташкент С.Рахимовский р-н, ул Колонова 2а выданный на ООО "BOG" ZILOL SAVDO) **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕТЕЛЬНЫМ.**

Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази Сур